O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 16-YANVAR ■ PAYSHANBA ■ 7 (27.027) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

МДҲ Ижроия қўмитаси делегацияси Тошкентда

Мамлакатимизга ташриф буюрган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси Юрий Яров бошчилигидаги делегация аъзолари 15 январь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди. Суҳбат чоғида МДҲ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, истиқболда амалга оширилиши режалаштирилган тадбирлар хусусида фикр алмашилди.

Шу куни делегация вакиллари Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида ҳам бўлди. Мамлакатимиз ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Абдулазиз Комилов билан бўлган суҳбат чоғида МДҲ мамлакатларининг иқтисодиёт, савдо-сотиқ, маданият, таълим соҳаларидаги ҳамкорлигини ривожлантириш, икки ва кўп томонлама алоқалар кўламини янада кенгайтиришга қаратилган масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, томонлар МДҲ доирасида уюшган жиноятчилик, наркотиклар контрабандаси, халқаро терроризм, диний экстремизм ва бошқа иллатларга қарши ҳамкорликдаги курашни янада жадаллаштириш борасидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

(ЎзА)

Метро тармоғи янада узаяди



Метро аҳоли учун энг қулай транспорт воситаларидан биридир. Янги Юнусобод йўналишининг ишга туширилиши йўловчилар узоғини яқин қилди. Ушбу йўналишни бунёд этишда Тошкент «Метролойиҳа» институтидаги меъмор ва муҳандисларнинг хизмати катта. Улар томонидан тайёрланган лойиҳалар меъморий ишланмаси, ўзига хос ечимлари билан бекатларнинг кўркам ва нафис безакларга бой бўлишини таъминлаётир. Ўзбекистон метро йўналишида дид билан бунёд этилган бекатлар асосан институт жамоасининг ижодий изланиши самарасидир.

— Айни кунларда Тошкент метрополитенининг бош чизмасини тайёрлаш билан шуғулланяпмиз, — дейди институт директори Одил Зокиров. — Бунда асосан метро йўлларини узайтириш кўзда тутилган. Жумладан, Чилонзор метро йўналишини Тошкент трактор заводи давлат ҳиссадорлик жамиятигача узайтириш ҳамда бу йўлни Сирғали йўналиши билан туташтириш бўйича ишлар олиб бориляпти. Сирғали метро йўлини Сирғали мавзесидан то Отчопар буюм бозоригача қуриш мўлжалланяпти.

Ўзбекистон метро йўналиши бўйича ҳам бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Бу ерда метро йўлини Талабалар шаҳарчаси билан Қорақамиш даҳасигача, шунингдек, Қўйлиқ даҳасигача узайтириш режалаштирилган.

Юнусобод йўналиши қуриб битказилгач, бу йўлни Жанубий темир йўл вокзалигача узайтириш имкони туғилади. Шу тариқа метрони Халқа йўл билан туташтириш борасидаги ишлар бажарилади.

Беҳбуд БОТИРОВ,
ЎзА мухбири

Мулоқот ва саёҳат

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирғали туман кенгаши «Нуроний» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ҳарбий қисмда давра суҳбати уюштирди.

Унда туманда истиқомат қилувчи иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ҳарбий қисм офицерлари, аскарлар иштирок этдилар.

Давра суҳбатидан сўнг йиғилганлар Темурийлар тарихи давлат музейига йўл олдилар. У ерда «Куч — адолатдадир» деб номланган байрам тадбири ўтказилди. Унда ҳарбий қисм аскарлари темурийлар тарихи, соҳибқирон Амир Темур ҳаёти билан яқиндан танишдилар.

Тадбир сўнгида ҳарбий қисм вакиллари қизиқарли саёҳат учун туман кенгашига миннатдорчилик билдирдилар.

Шуҳрат ҚУРБОНОВ,
ЎзХДП Сирғали туман кенгаши иккинчи котиби

● БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Билимли, кучли ва бахтли ёшлар





Мамлакатимизда ёшларни жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, соғлом авлод камолоти йўлида муҳим қадамлар қўйилмоқда. Республика мактаб ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари», лицей ва коллеж ўқувчиларининг «Баркамол авлод», олий ўқув юртлари талабалари ўртасида эса «Универсиада» спорт мусобақалари анъана тусини олди. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ёшларни соғлом, матонатли, жасур қилиб тарбиялашда унинг ўрни ва ролини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

2000 йилда Наманганда ёқилган «Универсиада» машъаласи 2002 йилда Бухорода юзлаб спорт юлдузларини кашф этди. Қўлларда порлаётган машъала 2004 йилда Самарқандда гулханга айланади. Спортимиз осмонида янги-янги номлар пайдо бўлади. Ой каби балқийди.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида «Универсиада — 2004»га тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Университет қошидаги жисмоний маданият факультети, истиқлол йилларида мамлакатимизга ўнлаб жаҳон спорти юлдузларини етиштириб берди. Бугун бу ерда таълим олаётган талабалар орасида жаҳон, Осиё, Ўзбекистон чемпионлари бор.

Шоҳмат бўйича халқаро тоифадаги гроссмейстер, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Иброҳим Ҳамроқулов (1998), стол тенниси бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони (Швейцария — 2002) Ким Крилл, халқаро тоифадаги спорт устаси, муай-тай бўйича беш карра Ўзбекистон, уч карра Осиё чемпиони, жаҳон биринчилиги кумуш медали совриндори Диёр Пўлатов, халқаро тоифадаги спорт устаси, муай-тай бўйича Ўзбекистон ва Осиё чемпиони, жаҳон чемпиони (2000), мамлакатимизнинг 2001 йилдаги энг кучли спортчилари қаторидан жой олган Нуриддин Хожиёровлар нафақат Самарқанд давлат университетининг, балки мамлакатимиз фахридир.

Наманган ва Бухорода ўтказилган универсиадаларда муваффақиятли қатнашган СамДУ спортчилари навбатдаги универсиаданинг мезбони бўлишади. Шу боис, улар 2004 йилда ўтадиган универсиадада янада юксак натижаларни қўлга киритиш учун тайёргарликни бошлаб юборишган.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратларда: *1. СамДУ I курс талабаси, муай-тай бўйича спорт устаси, Ўзбекистон чемпиони Бербер Шемснур; 2. II курс талабаси, самбо бўйича спорт устаси, Ўзбекистон чемпиони, «Универсиада — 2002» иштирокчиси Хуршида Холиқова ва IV курс талабаси, сузиш бўйича спорт усталигига номзод, Ўзбекистон чемпиони, «Универсиада — 2002» бронза медали соҳиби Екатерина Абдишаева. 3. II курс талабаси, муай-тай бўйича беш карра Ўзбекистон, уч карра Осиё чемпиони, жаҳон биринчилиги кумуш медали совриндори Диёр Пўлатов.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ДУНЁ

Учрашди жаҳоннинг икки зўр пири,
Уларни қийнарди дунёнинг сири.
Бири йиғлаб дерди: — Уни тушундим,
— Тушунмадим, — дея йиғларди бири.

Абдулла ОРИПОВ,
2003 йил, 10 январь

● ТЕННИС

Австралия очиқ чемпионатида

Шу кунларда теннис бўйича Мельбурнда ўтаётган «Катта дубулға» туркумидаги Австралия очиқ чемпионати қизғин паллага кирди. Мукофот жамғармаси 12004900 АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур нуфузли мусобақада илк бор юртимиздан икки нафар теннисчи қатнашмоқда.

Яккалик учрашувларининг дастлабки босқичи натижасига кўра, вакилларимиз Вадим Куценко ҳам, Ирода Тўлаганова ҳам ўз мухлисларини хурсанд қилишди. Йилдан-йилга маҳорати ўсиб бораётган истеъдодли ракеткачимиз Вадим Куценко илк учрашувда хорватиялик Иван Любичичга қарши кортга чиқди. Баҳснинг дастлабки икки сетида ҳамюртимиз 6:3, 6:4 ҳисобида рақибини доғда қолдириб, кейингиларида имкониятни бой берди — 1:6, 4:6. Ниҳоят ҳал қилувчи сетда Вадим ўз маҳоратини намойиш этди — 6:3.

Аёллар баҳсида биринчи учрашувни муваффақиятли якунлаган Ирода Тўлаганова ҳам кейинги босқичга йўлланма олди. Дастлабки босқичда австралиялик Алиса Моликка қарши кортга чиққан ҳамюртимиз биринчи сетда ютқазиб қўйганди — 3:6. Иккинчи сетда эса Ирода 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди. Сўнгра, Алиса кейинги сетни давом эттира олмаслигини билдирди ва Ирода Тўлаганова навбатдаги босқичга йўлланмани қўлга киритди. Афсуски, иккинчи давра учрашувида унинг омади чопмади.

Эркин ХОЛБОБО

Конимех ёшлари қувончи

Конимехлик ўқувчи-ёшларнинг қувончи чексиз. Тумандаги «Маданият» ширкат хўжалиги маркази «Балакарак» қўрғонида 450 ўринли касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. Қарийб 1 миллиард сўмлик маблағ эвазига қад ростлаган, зарур ўқув қуроллари ва қорақўлчилик соҳаси мутахассислари тайёрланади. Энди вилоят ва туман марказидан 100-120 километр олисликдаги аҳоли ҳудудида яшовчи юзлаб педагог-кадрлар доимий иш билан таъминланадилар.

Музаффар ШАРОПОВ

Бош мавзу — Ватан туйғуси

Ҳозир барча мактаблар ва коллежларда бошланғич ҳарбий таълим дарслари ўтилаётир. Ўсмирлар қалбига ёшлигиданоқ жасурлик, юртга муҳаббат туйғулари сингдирилиб, уларга она-Ватаннинг ҳар қаричини кўз қорачиғидек асраш туйғулари ўргатилмоқда.

— Оммавий ватанпарварлик дастуридан ўрин олган бундай тадбирлар бўлғуси аскарлар тасаввурини бойитишга хизмат қилмоқда, — дейди мудофаага кўмаклашувчи Самарқанд вилоят «Ватанпарварлар» ташкилоти раиси Исмоил Ғофуров. — Ташкилотимизнинг шаҳар ва туман бўлимларида ишлаётган ходимлар ва курсантлар мактабларда бўлишиб, ҳарбий бўлинмаларда хизмат қилаётган Ватан ҳимоячиларининг ҳаёти ва уларнинг жанговар қуроллар билан ҳаракат қилишдаги ютуқларидан ҳикоя қилмоқдалар.

Учрашувларда «Камолот» ёшлар ташкилоти ҳамда «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимларининг фаоллари ҳам халқимизнинг Ватан ва миллат озодлиги йўлида жон фидо этган фарзандлари ҳаёти ҳақида батафсил сўзлаб бермоқдалар.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ

Ёрдам учун 950 минг доллар

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) «Буюк ипак йўли» (Great Silk Road Initiative) кенгайтирилган ташаббуси учун 950 минг АҚШ доллари миқдоридаги техник ёрдамни тасдиқлади. Бу ҳақда ОТБ томонидан **«Туркистон-пресс»**ga *маълум қилинди.*

Ташаббуснинг мақсади иқтисодий ҳамкорлик орқали Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ривожини ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга кўмаклашишни кўзда тутади.

Техник ёрдам муҳим минтақавий лойиҳаларни тайёрлаш, транспорт, энергетика ҳамда савдо соҳасида ҳамкорликнинг катта имкониятларини ўрганишда қўл келади. Бундан ташқари, техник ёрдам ОТБ ва унда қатнашаётган мамлакатлар ўртасидаги шерикчиликни кучайтиради.

Лойиҳа Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлигида қатнашувчи еттита мамлакатни қамраб олади. Булар Ўзбекистон, Озарбайжон, Хитой, Қозоғистон, Мўғулистон, Тожикистон мамлакатларидир. Ушбу мамлакатларни яқин тарихий ва этник алоқалар боғлаб туради, шунингдек уларнинг Афғонистон билан иқтисодий муносабатлари анча яқин.

— 1997 йилдан бошлаб минтақавий ҳамкорлик ташаббуси тўрт мамлакатдан етти тага кенгайди, — деб таъкидлади ОТБ Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик бўлими бошлиғи Лан Ву. — Афғонистонда яқинда бўлиб ўтган воқеалар туфайли ҳамкорликни кенгайтиришнинг аниқ йўналишларини ва жўғрофий миқёсларини ишлаб чиқиш имконияти туғилди.

Лан Вунинг таъкидлашича, Марказий Осиё мамлакатлари табиий ресурсларини Жанубий Осиёга Афғонистон орқали жўнатиши, шу билан бирга Марказий Осиё республикалари Афғонистондаги тиклаш ва тараққиёт ишларига ўз кўмагини бериши мумкин.

● ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

Грипп ва унинг олдини олиш

Ҳозир республикамизда совуқ кунлар давом этаётгани сабабли грипп ва ўткир респиратор (юқори нафас йўллари шамоллаши касалликлари) ҳолатлари кўпаймоқда. Ўткир респиратор касалликлари ва грипп касаллигини клиник белгилари бир-бирига ўхшайди. Аммо грипп касаллиги ўткир респиратор касаллигига нисбатан оғир кечиши ва асорати оғир оқибатларга олиб келиши билан фарқланади.

Грипп ва бошқа ўткир респиратор касалликлар энг кўп тарқалган юқумли касалликлардир. Грипп ўта юқумли вирусли касаллик бўлиб, аҳоли ўртасида тез ва осон тарқалиши билан бошқа касалликлардан фарқ қилади. Вирусниг 3 та — А, В, С серотиплари маълум. Касаллик манбаи бемор одам бўлиб, ҳаво йўли билан (бемор аксирганда, йўталганида ҳавога вирус ажратади) юқади. Грипп эпидемияларининг вужудга келиши йилнинг совуқ ойларига (ноябрь-март) тўғри келади. Касаллик тўсатдан ўткир бошланади. Унинг белгилари: бош қаттиқ оғрийди, (айниқса, пешона ва кўз ости соҳаларида) айланади, мадорсизлик, ҳолсизлик сезилади. Касалликнинг биринчи соатлариданоқ тана увишади, ҳарорат 38-40 даражагача кўтарилиб, 2-5 кун давом этади.

Грипп ва ўткир респиратор вирусли инфекция билан оғриган барча беморлар иситма даврида, албатта, кўрпа-тўшак қилиб ётиши, шифокорни уйга чақиришлари лозим. Юқори калорияли сервитамин, парҳез таомлар билан бирга, бир суткада 1,5-2 литргача суюқлик (чой, мева шарбатлари, наматак дамламаси, иссиқ сут, минерал сувлар) истеъмол қилишлари керак. Касалликнинг биринчи куни дорилардан интерферон, ревмантодин, аскорбин кислотаси тавсия этилади.

Грипп касаллиги билан курашиш тиббиётда икки йўналишда олиб борилмоқда.

Биринчиси *— организмнинг касалликка қарши курашиш хусусиятини ошириш мақсадида аҳолини эмлаш, яъни вакцина профилактикадир.*

Иккинчиси *— инсон ўзини касалликдан муҳофаза қилиши бўлиб, танани чиниқтириш, бадантарбия билан мунтазам шуғулланиш, овқатланишга алоҳида аҳамият бериш лозим. Бунда кўпроқ очиқ ҳавода юриш; совуқ кунларда иссиқ кийиниш, албатта, бош кийим кийиш, оёқ кийим иссиқ бўлиши жуда муҳимдир. Гриппнинг олдини олишда муассасаларда, ўқув юртлари, корхоналар, мактаблар, мактабгача болалар муассасалари ва аҳолининг яшаш жойларида барча хоналарнинг иссиқлик ҳарорати 17-18 даражадан паст бўлмаслиги ҳам катта аҳамиятга эга.*

Грипп эпидемияси даврида асосий эътиборни касалланиш хавфи кўпроқ бўлган аҳоли гуруҳларини муҳофазалашга эътибор бериш лозим. Бу гуруҳга тиббиёт, транспорт, мактаб, боғча, савдо, умумий овқатланиш муассасалари ходимлари киради. Касалликнинг олдини олиш мақсадида 4 қаватли дока ниқоблардан фойдаланиш ва уларни албатта, ҳар 4 соатда алмаштириш зарур. Дока ниқоблар 98 фоизгача патоген микрофлораларни ўзида ушлаб қолади.

Хоналарни 0,5% хлорамин ёки хлорли оҳак эритмаси билан ҳар куни 2-3 марта ювилса хлор бўғланиб ҳаводаги грипп ва ЎРВИ (ўткир респиратор вирусли инфекция) вирусларини ўлдиради. Исириқ тутуни эса бактериологик таъсир (вирусларни ўлдиради) кўрсатиб, хона ҳавосини зарарсизлантиради. Хоналарни тез-тез шамоллатиш, ҳавосини алмаштириш, ҳаводаги микроорганизмларнинг сонини 85-90 фоизгача камайтиради.

Болалар муассасаларида эрталаб келган болаларнинг ҳарорати ўлчаниб, томоғи кўрилади. Агарда касаллик аломатлари сезилса, дарҳол ота-онаси келгунча болани алоҳида хонада сақлаш керак. Болаларни тоза ҳавода бўлиш вақтини узайтириш (ҳар қандай об-ҳавода) лозим.

Профилактика мақсадида ревмонтадин оксалин суртмаси, интерферондан фойдаланиш лозим. Шунингдек, шахсий гигиенага риоя қилиш (алоҳида сочиқ, совун, тиш чўткасига эга бўлиш) касалликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Озода ЭРГАШЕВА,
Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази врач эпидемиологи

БАНК ВА МИЖОЗ

Тадбиркорлик — тараққиёт дегани

КИЧИК ҲАМДА ЎРТА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — БИЗ УЧУН УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Маълумки, бозор иқтисодиётининг моҳияти ҳар бир фуқаронинг ижодий ва меҳнат фаолиятини такомиллаштириш, мулкка эгалик туйғусини кучайтириш, ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантириш, замонавий янгиликлар ҳамда аҳоли эҳтиёжларига сезгир бўлиш сингари кўпдан-кўп омиллар билан боғлиқ. Зеро, бошланган ҳар бир хайрли иш мана шундай омиллар билан омухта олиб борилсагина, ҳар қандай мамлакатда иқтисодий етишмовчиликлар ва тангликлардан тезроқ чиқиб олиш ҳамда халқнинг фаровон ҳаёт кечириши учун кенг имкониятлар яратилади. Бунда айниқса, мустақиллик йиллари кенг йўл очиб берилган соҳалар — тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолиятлари катта роль ўйнади. Чунки, тадбиркорлик билан тараққиёт ҳамиша ёнма-ён тушунча.

Назарий жиҳатдан айтилаётган бу тушунчаларнинг ҳаётдаги, аниқроғи, ишлаб чиқаришдаги ёрқин мисолларини биз — «Ўзтадбиркорбанк» Жиззах вилоят бошқармаси жамоасининг вилоят тадбиркорларига кўрсатаётган банк хизмати жараёнларида яққол сезиб турибмиз. Бошқармамизнинг «Шаҳар амалиёт», Ғаллаорол, Мирзачўл, Зомин, Учтепа, Арнасой, Зарбдор бўлимлари томонидан биргина 2002 йилнинг ўзида 3253 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига хизмат кўрсатилди. Буларнинг 2736 таси деҳқон-фермер хўжаликлари, 173 таси хусусий фирмалар, 106 таси якка тадбиркорлар, 457 таси бошқа кичик ва ўрта бизнес субъектлари бўлди. Уларга жами 689,2 миллион сўм (жумладан, 326,0 миллион сўми — қисқа муддатли, 363,2 миллион сўми — ўрта муддатли) кредит маблағлари ажратилди.

Бошқарув томонидан белгиланган ва Давлат мулкини бошқариш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси томонидан тасдиқланган кредитлаш режалари ҳам муваффақиятли бажарилди. Умуман олганда ўтган йили 2001 йилга нисбатан 209 миллион сўм кўп кредит маблағлари ажратилди.

Яна ҳам аниқроқ рақамларга ўтадиган бўлсак, якка тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва имтиёзли кредит маблағлари билан таъминлаш борасида ўтган йили уларга шаҳар ва туман бўлимлари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 72 мижозга 85,8 миллион сўм имтиёзли ўрта муддатли кредитлар берилди. Шундан, Бизнес фонд кредит линияси ҳисобидан (66 та мижозга) берилган маблағ 84,8 миллион сўмни, Меҳнат бандлиги кредит линияси ҳисобидан эса (6 та мижозга) 11,0 миллион сўмни ташкил этди. Яна эътиборли жиҳати — ажратилган ана шу кредитлар ва микрокредитлар эвазига 254 та янги иш ўринлари яратилди.

Банкимизнинг шаҳар ва туман бўлимлари томонидан 71 та якка тадбиркорлар ва кичик ҳамда ўрта бизнес субъектларига ажратилган 77,0 миллион сўм миқдордаги микрокредитлар асосан вилоят қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун йўналтирилди. Йил давомида бундай микрокредитлар берилган барча кредитларнинг 11 фоизини ташкил этди. Энг муҳими, уларнинг 9,6 миллион сўми нақд пул шаклида, 67,4 миллион сўми эса пул ўтказиш йўли билан ҳал этилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 104-сонли қарори ижроси йўлида вилоятимиз бошқармаси банк бўлимларида «Махсус имтиёзли кредитлаш жамғармаси» ҳам ташкил қилинган. Жамғармага ўтган йили 9659,0 минг сўм имтиёзли маблағ ўтказилиб, 7 нафар мижоз эҳтиёжига сарфланди.

Тўғри, ҳар бир ишда ютуқлар билан бирга баъзан айрим нуқсонлар ёки қусурлар ҳам бўлади. Чунки, иш бор жойда камчилик бўлиши, табиий. Ишнинг ўзи бўлмаган жойда хато ҳам нима қилсин? Шу маънода, ўтган йиллар ичида (аниқроғи, собиқ раҳбарият эътиборсизлиги ёки айби биланми?) бошқармамиз фаолиятида баъзи (кредитлар ва микрокредитлар ажратиш борасида) камчиликлар ҳам рўй бергани аниқ. Лекин, соғлом жамоамизнинг куч-ғайрати, ҳушёрлиги ва фаоллиги билан сўнгги пайтларда ўшанақа нуқсонларни қисқа муддатларда бартараф этиб, кутилган муваффақиятларга эришолдик. Масалан, банкимиз бўлимлари томонидан 2002 йил давомида ажратилган микрокредитлар эвазига тадбиркорлар 78 бош қорамол, 126 бош майда моллар сотиб олишди. Қорамолларнинг асосий қисми аҳолининг гўштга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида бўрдоқига боқилди. Натижада, банк мижозлари томонидан вилоят аҳолисига 14510 тонна сифатли гўшт маҳсулотлари ва 6200 литр сут етказиб берилди. 75 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига бошланғич сармоя учун 84,6 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бу маблағ асосан қишлоқ хўжалиги тармоқларига, яъни, фермер хўжаликларига техника воситалари ва эҳтиёт қисмлар, шунингдек, чорва моллари ҳамда деҳқончилик учун уруғлик олишга йўналтирилди.

Вилоятда кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга янги-янги имтиёзлар бериш борасида бошқармамизнинг Мирзачўл бўлимида — «Пахтакор», «Янги дала», Зарбдор бўлимида — «Андижон», Зомин бўлимида — «Янги ҳаёт» каби мини банклар ҳам очдик. Улар мижозларга сифатли банк измати кўрсатиш билан бирга, ташкил этилган «Тадбиркорлар бурчаги» хизмати орқали тадбиркорликка бел боғлаган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Марказий банк томонидан чиқарилган ҳар хил қўлланмалар ҳамда йўриқномаларнинг мазмун-моҳияти билан чуқур таништирмоқда ҳам. Яна бир янгилик — якка тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолияти йўлида туғилган муаммолар, талаб ва таклифларни ўрганиш мақсадида бошқармамизда ишонч телефонлари ҳам ташкил этганмиз.

Мен бугун буларнинг ҳаммасини нима учун батафсил ҳикоя қилишга уриндим: чунки, ҳар гал бошқармамиз банклари ва уларнинг филиалларига мадад сўраб келган мижозларни кўрганимда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг бир сўзлари ёдимга тушаверади. (мен уни ён дафтаримга ёзиб олганман): **«Кичик ва ўрта бизнес иқтисодий тараққиётимизда устувор ўрин олиши даркор..., — деган эди Юртбошимиз. — Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, айни вақтда унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадлари ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айланишига эришмоғимиз лозим».**

Обиджон МАМАТҚУЛОВ,
«Тадбиркорбанк» Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи

ХДП ҲАЁТИ

Эл хизматида

ЁКИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САМАРҚАНД ШАҲАР КЕНГАШИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН «ДЕПУТАТЛАР КЛУБИ»НИНГ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

— Қарийб ўн йилдирки, — дейди Ўзбекистон ХДП Самарқанд шаҳар кенгаши биринчи котиби Ш.Темиров, — партиядан халқ депутатлари вилоят ва шаҳар кенгашларига сайланган ноибларнинг «Депутатлар клуби» фаолият кўрсатмоқда. Клубнинг халқ депутатлари вилоят кенгашидан 9, шаҳар кенгашидан эса 15 нафар аъзоси бор.

Улар йилнинг ҳар чорагида бир маротаба жойларда «думалоқ стол» атрофига тўпланишиб, вилоят ва шаҳарда ечимини кутаётган долзарб муаммолар ҳақида бош қотирадилар. Қизғин баҳс-мунозара юритиб, бир тўхтамга келишади. Ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилиши учун амалий ёрдам кўрсатиш йўллари белгиланади.

«Депутатлар клуби»нинг асосий фаолияти раҳбар депутатларнинг ҳисобот, ахборотини тинглаш, ечимини кутаётган муаммоларнинг туб илдизини ўрганиш, бирбирига кўмаклашиш ва амалий ёрдам кўрсатишга қаратилган. Бундан ташқари, депутатлар ҳар ойнинг охирги шанбасида кенгаш қошидаги «Депутатлар хонаси»да фуқароларни қабул қилиб, улар қўйган муаммоларга ечим излайдилар. Лозим бўлган тақдирда округларга чиқиб, масала жойида ўрганилади ёки қилинган ишлар тўғрисида ҳисобот беришади.

Жонли мулоқот, учрашувлар қизғин баҳс-мунозараларга айланади. Биз партия шаҳар кенгашида бўлиб, клубнинг айрим аъзолари билан фикрлашдик.

Мунира КАРИМБЕРДИЕВА, шаҳар 4-болалар поликлиникаси бош шифокори, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашининг депутати:

— Ўтган йили кўҳна ва навқирон шаҳарнинг «Бек», «Истиқлол», «Бешгужум», «Каттақўрғон» каби кўплаб маҳаллаларида бўлдим. Маҳалла қариялари, айниқса ёш оналар билан қилган суҳбатларим жуда таъсирчан ва самарали бўлди, дея ўйлайман. Чунки, тиббиётимизда ҳар бир туғилган чақалоқнинг ҳолатига қараб соғлиқ гуруҳи берилади. Шунга биноан, жойларда соғломлаштириш дастури белгиланади. Она ва бола соғломлаштирилади.

«Депутатлар клуби»нинг аъзолари поликлиникамизда амалга оширилиши лозим бўлган жиддий муаммоларни пухта ўрганиб чиқдилар. Натижада кўрсатган амалий ёрдамлари қувонарли бўлди. Уларнинг саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан тиббиёт масканимиз ҳомийлар томонидан тўла-тўкис таъмирланди. Хориждан тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар олдик. Айрим муаммолар ечими эса вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасига ҳавола этилди. Уларнинг ҳал этилишини назорат қилиб турибмиз.

Валиқул БЕРДИҚУЛОВ, Самарқанд молия-иқтисод коллежи директори, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати:

— Туманнинг Нуш, Журрият, Тут, Кўкгумбаз, Найман каби маҳалла фуқаролар йиғинларида оқсоқоллар, фаоллар билан бўлган учрашувларимизда ечимини кутаётган муаммолар муҳокама этилди. Қишда газ босимининг камайиб кетганлиги, электр токининг тез-тез узилиб қолиши аҳолини бироз қийнаб қўймоқда. Уларнинг ечими ҳам осон эмас.

Кўплаб кишиларнинг ўз вақтида газ ва электр энергияси тўловларини амалга оширмаётгани асосий сабаб қилиб кўрсатилаётган бўлса-да энергиянинг аҳолини огоҳлантирмасдан тез-тез ўчириб қўйилаётгани ҳақли эътирозлар туғдирмоқда. Бу муаммоларнинг ечими депутатлар томонидан назорат қилинмоқда. Амалий чоралар кўрилмоқда.

«Депутатлар клуби»нинг аъзолари, халқ депутатлари вилоят ва шаҳар кенгашларининг ноиблари, Шавкат Боқаев, Абдуназар Қаҳҳоров, Фазлиддин Ғиёсов ва бошқалар партия Дастури асосида белгиланган ва зиммаларига юкланган вазифаларни амалга оширишга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Клуб аъзоларининг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан «ЎзБАТ» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси Сиёб туманидаги Фарҳод қўрғонини ободонлаштириш ишларига 1 миллион сўм маблағ ажратди. Самарқанд бурғулаш асбоблари ҳиссадорлик жамиятида ўтказилган клуб аъзоларининг йиғилишида маҳаллаларда ёшлар тарбияси, гиёҳвандлик ва тартиббузарликка қарши кураш борасида депутатлар, маҳалла фаоллари ва ички ишлар бўлимлари ҳамкорлиги масалалари юзасидан фикр алмашилди. Режа белгиланиб, депутатлар ва масъул кишилар зиммасига вазифалар юкланди.

— Яқинда «Депутатлар клуби»да халқ депутатлари шаҳар кенгашининг ноиби, республика «Уйжойжамғармабанк» Самарқанд вилоят бўлими бошқаруви бошқарувчиси Авазхон Хўжаевнинг депутатлик фаолияти тўғрисидаги ахбороти тингланди. Сўзга чиққан депутатлар узоқ йиллардан буён битмаётган 53-мактаб қурилишига амалий ёрдам кўрсатиш чоратадбирларини белгиладилар. Мактаб қурилишига ёрдам кўрсатиш учун шаҳар ҳокимлиги, банк ва ҳомий ташкилотларга депутатлар сўрови юборилди. Назоратни эса депутатлар ўз зиммаларига олдилар, — дейди клуб раиси, Самарқанд иқтисод-саноат коллежи директори, иқтисод фанлари доктори Қўзибой Мамарайимов. — Депутатларнинг фаоллиги, сиёсий таъсирчанлиги туфайли халқ депутатлари шаҳар ва вилоят кенгашларига ўтказилган қайта сайловда сафимиз янада кўпайди.

«Обод маҳалла йили»да қиладиган ишларимиз, айниқса, кўп, аниқ режалар тузиб қўйганмиз.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Яқинда Конимех туманидаги «Сарибел» наслчилик ширкат хўжалиги аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида янги шифохона қуриб фойдаланишга топширилди. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган мазкур шифохона 25 ўринга мўлжалланган. Бу ерда физиотерапия хонаси, амбулатория, аёллар маслаҳатхонаси, туғуруқхона ва болалар бўлими мавжуд. Шифокорлар беморларнинг дардига малҳам бўлишда ўз тажриба ва маҳоратларини аямаяптилар.

✧ ✧ ✧

Суратларда: *1. Шифокор Холсарам Бекмуродова, катта ҳамшира Гулсум Нурмаҳонова. 2. Беморларни қабул қилиш хонаси.*

Обуна давом этмоқда

Халқ хўжалиги тармоқларининг ўтган йилги иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил этилаётган ва янги режалар тузилаётган ушбу кунларда мамлакатимиз аҳолиси ўртасида оммавий-ахборот воситалари нашрларига 2003 йил учун обуна ҳам давом этмоқда. Сурхондарё вилояти туманларида обунага, айниқса катта эътибор берилмоқда.

— Газета ёки журнал, китоб кириб борган хонадонга, — дейди Денов туман халқ таълими бўлими мудири Мамаюсуф Сапаев, — аввало, ахборот, янгилик, нур, зиё кириб боради. Шу боис, туманимиз мактабларида болалар ва ёшларнинг нашрлари билан бирга ижтимоий-сиёсий нашрларга ҳам обуна бўлувчилар кўпаймоқда. Чунончи, «Ўзбекистон овози» — бизнинг энг севимли газеталаримиздан бири...

Чунки, бугунги ўқитувчи (ва унинг ўқувчиси ҳам!) дунё янгиликларидан хабардор, фикрлаш доираси кенг, мушоҳадаси теран ва зийрак идрок эгаси бўлиши керак...

Мудирнинг бу сўзлари туманда, хусусан, «Ўзбекистон овози» газетаси обунасининг кўрсаткичлари билан ҳамоҳанг. Туман бўйича мазкур газета обуначилари сони ҳийла кўпайди. Агар ўтган йилнинг шу кезларида 2002 йил учун биргина туман халқ таълими тизимида газетага 75 киши обуна бўлган бўлса, 2003 йил учун бугунгача уларнинг сони 200 нафарга яқинлашиб қолди. Бу мактаблардаги кутубхоналар ҳамда маънавият ва маърифат хоналарига қўйиладиган газета тахламларидан минглаб муштарийлар ҳар куни, ҳар соат фойдаланадилар, деганидир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўттиз хонадонда «зангори олов»

Қўрғонтепа туманидаги «Савай» ширкат хўжалиги ҳудудида 2 километр масофада янги табиий газ тармоғи тортилиб, фойдаланишга топширилди. Натижада 30 хонадонга «зангори олов» кириб келди. Қишлоқ кишиларига қулайлик яратилди.

Қўрғонтепа тумани газ таъминоти бўлими бундай ишлар кўламини оширмоқда. Шу кунларда Хўжаобод ерости табиий газ сақлаш омборидан 34 километр масофада янги газ тармоғи тортиляпти. Бу иш бажарилгач, Қорасув, Хонобод шаҳарлари ҳудудларида табиий газ таъминоти яхшиланади.

Бунёдорлик ишларини амалга оширишда муҳандис Абдужалил Исоқов ва чилангар Шавкатжон Йўлдошев сингари ишчи-ходимларнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар

Гуллар воҳасига айланади

Бухоро ва унинг туманларида ҳамма ободончилик билан банд. Бу йилимизнинг мазмун-моҳияти ҳамда мусулмон оламининг йирик намояндаси, пиру комилимиз Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги нишонланишига тайёргарликдан нишонадир.

— Маълумки, улуғ алломанинг юбилейига мағрибу машриқдан азиз меҳмонлар Ғиждувонга ташриф буюришади, — дейди туман ҳокими ўринбосари Садриддин Асадов. — Уларни гулларга безанган гўша қарши олиши табиий. Шу мақсадда Тошкент— Бухоро катта йўлининг икки томонида анвойи гуллар уруғини сепишга ҳозирдан киришдик. Эрта баҳордан кеч кузгача— юбилей кунигача ҳар бир маҳалла, гузар, хиёбонда орасталик, хушманзара табиат бўлишини таминлаш чоралари кўриляпти. Минг-минглаб манзарали дарахт ниҳоллари йўллар атрофига ўтказилмоқда. Ҳар киши камида учтадан мевали дарахт экиши, сўлим гулзор яратиши учун маҳалла сардорлари тиним билмаяптилар.

Ҳа, иқлими ўзгача Бухоронинг олис қишлоқларида ҳам бугун яхши ният билан ўтказилаётган кўчат эрта униб, соя бериши аниқ.

Даврон БАҲРОНОВ

Миллионларни

Бош режага кўра, Қаршининг эски бозор қисми олд томони бузилиб, бозор кенгайтирилиши керак эди. Эски шаҳар ҳудудидаги ойнаванд магазинлар, ошхонаю кафелар, маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари, хусусий дўконлар ва айримларнинг яшаб турган уйларигача бузилди. Бульдозерлар ва кўтарма кранларнинг шовқини ҳамма ёқни тутиб кетди. Одамлар олдинига бозор кенгайтириладиган бўлди-да, деб ўйлашди. Кейинроқ бозор эмас, у ерда «Сайилгоҳ» бўлармиш, деган миш-миш тарқалди.

Миш-мишлар тўғри бўлиб чиқди. Бульдозер билан текисланган жойда чиройли йўлкалар, мармар ҳовузлар, фавворалар ва бошқалар барпо қилинди. Очиқ майдонларга арча дарахти экилди. Мармар ҳовуз-ариқлар ичига қувурлар ётқизилиб, сув келтирилди. «Сайилгоҳ» ўртасининг ҳар икки томонидан савдо дўконлари жой олди. Бир томонда юнонча услубда «Амфитеатр» ҳам бунёд этилди.

2000 йилнинг ёзида «Сайилгоҳ» қурилиши ниҳоясига етиб, тантанали очилиш маросими бўлди. Вилоят собиқ ҳокими Ш.Бегматов қурилишда қатнашган барча бунёдкорларга шаҳар ва вилоят аҳли номидан миннатдорчилик билдирди. Ўша куни қош қорайгунча Қаршида катта тўю томоша бўлди.

...Шодлик узоққа бормади. «Сайилгоҳ» ишга тушганининг иккинчи куни катта сиғимдаги сув ҳавзаси чўкиб, сув замин қаърига сингиб кетди. Мармар қопламалар қўпорилиб, плитаю бошқа қурилиш анжомлари ўрнидан кўчди. Чўкиш ва ёрилиш «Сайилгоҳ»нинг деярли ҳамма жойида юз берди. Одамлар ҳайрон: нега бундай бўлди? Наҳотки шунчалик омонат қуришган бўлса?..

Хуллас, воқеа содир бўлгандан сўнг сабабини қидириш бошланиб кетди.

Сабаб... аста-секин ойдинлаша борди: «Сайилгоҳ» ўрни қадимий Қарши — Насаф шаҳрининг ўрни бўлиб, шаҳар баландликда қурилган. Мутахассисларнинг фикрича, тепалик уч-тўрт метр чуқурликда қазилиб, тупроғи олиб ташлангандан сўнг, зичланиб қурилишни бошлаш керак эди. Афсуски, бундай қилинмади. Натижада, бу жойга сув қуйилиши билан чўкиб кетди. Боз устига, қурилиш пухта лойиҳалаштирилмай, чизма-эскизлар воситасида олиб борилган экан. Қизиғи, лойиҳа йўқлигини ҳокимликдагилар ҳам билишган... Лекин ҳамманинг фикри-зикри «Сайилгоҳ»ни тезроқ қуриб битказишга қаратилганди. «Сайилгоҳ» баҳонасида вилоят катталари «очко» олмоқчи бўлишган чоғи, урҳо-урда иш амалга оширилаверган. Бош муҳандис Олимжон Маҳмудов билан шаҳар меъморчилик ва шаҳарсозлик бошқармасининг бошлиғи Мурод Ҳидиров қурувчиларга қурилишнинг кунлик чизмасини тайёрлаб бераверишган, холос... Иш шундай пала-партиш, фавқулодда тезлик билан амалга оширилганки, оқибати бугун ҳаммага маълум.

... Пала-партиш бошланган иш охиригача пала-партиш кетди. «Сайилгоҳ» ўрнида бир қанча майда ва катта мулкдорлар ва тадбиркорларнинг мулклари бор эди. Уларнинг тақдири ҳам шу бугунгача аросатда. Мулкдор Малика Ҳақбердиевага қарашли Бош универсам магазини қурилиши материаллари, «Гулистон» чойхонаси», «Ўроқбобо» ошхонаси, Алишер Ражабовнинг сартарошхонаси, «Наврўз» фирмасига қарашли магазин, Нуриддин Жумаевнинг қандолат цехи ва савдо дўкони сингари 60дан ортиқ объект бузиб ташланди.

Миллион-миллион сўмлик иморатлари ҳақини ким тўлайди? Буни қўя туринг, ҳатто бузилган бино ва иншоотларнинг томи тепасидаги юзлаб плиталар, блоклар эгаларига қайтарилмай талон-торож қилинганига нима дейсиз? Фақатгина «Вақт» кичик корхонасининг эгаси Убайдулла Ғаффоров талашиб-тортишиб шаҳар меъморчилик ва шаҳарсозлик идорасидан ярим-ёрти ҳақини олган, холос. Бошқалар эса ҳозирги кунгача сарсон бўлиб юришибди.

Ҳисоб-китоб қилишларича, шошма-шошарлик «самараси» бўлиб, 54 миллион 390 минг 946 сўмлик қурилиш материали ер остида қолиб кетди. Бундан иншоот қурилишида қатнашган «Қаршиқурилишиндустрия», «Қаршисаноатуйжойқурилиш» каби йирик ташкилотлар, Муборак газни қайта ишлаш корхонаси ва бошқалар жиддий иқтисодий талафот кўрди...

Нега бундай бўлди? Маълум бўлишича, ернинг геологик қатлами ва экологик ҳолати ҳам чуқур ўрганилмаган экан: «Сайилгоҳ» қурилиши ўрни давлат экология экспертизасидан ўтказилмабди. Тўғрисини айтганда, мансабдор шахслар вилоят табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасидек обрўли ташкилотни назар-писанд қилмадилар. Натижада давлат ва халқнинг миллион-миллион сўмлик пули ер остида қолиб кетди ва тошга, бетон уюмларига айланди. Қувурлар чириб, яроқсиз ҳолга келди. Мармар парчалари синиб, нобуд бўлди. Йўлакларга ёпиштирилган кичик-кичик чиройли плитачалар ўрнидан кўчиб кетди. Неон чироқлар синиб, яхши умид билан экилган арча дарахтлари қуриб қолди. Хиёбон ўрнида ажриқзор пайдо бўлиб, «Сайилгоҳ» одамларнинг дам олиш масканига эмас, моллар боқиладиган яйловга айланмоқда.

Яна савол туғилади: бир амалдорнинг буйруғи билан неча миллионлаб сўм маблағ ҳавога учадию, унга айб қўйилмайди? Топшириқ қурбони бошқалар бўлиб қолаверадими? Ўша раҳбар ва унинг атрофидагилар давлат мулкига нега бунчалик масъулиятсизлик билан қаращди?

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Тўғрилиги кафолатланмаган йўл

КҲДР ЯДРО ҚУРОЛЛАРИНИ ТАРҚАТМАСЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАДАН НЕГА ЧИҚҚАНЛИГИ ВА БУ ҚАРОР ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ҚАНДАЙ БАҲОЛАНАЁТГАНИ ҲАҚИДА

Биз бугунги кунда жаҳонда тинчликка таҳдид қилаётган бир неча ўтли нуқталарни биламиз. Булар асосан ечими топилмаётган ва охири кўринмаётган Фаластин – Исроил можароси, Ҳиндистон билан Покистоннинг бир-бирларига нисбатан ядро қуроли ишлатиш билан дағдаға қилиш даражасига олиб келган Кашмир тугуни ва Ироққа қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлаш билан боғлиқ мураккаб масалалардир. Хорижнинг оммавий ахборот воситалари деярли ҳар куни ана шу ўтли нуқталардаги бугунги вазият, қарама-қаршиликлар, келишмовчиликлар, юзага келаётган низоли масалаларни ҳал этиш йўлидаги уринишлар, музокаралар, мулоқотлар ҳақида кўплаб хабарлар тарқатмоқда. Ўтли нуқталардаги қалтис вазиятлар сўзсиз, дунё халқларини ташвишлантирмоқда. Жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатлари эса мавжуд муаммоларни ҳал этиб, жаҳонда тинчликни сақлаб қолишга қаратилган.

Ана шундай мураккаб бир вазиятда жаҳон ҳамжамияти учун яна бир муаммо туғилди. Кутилмаганда Шимолий Корея, яъни Корея Халқ Демократик Республикаси Ядро Қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги халқаро шартномадан чиқишни ва ўзининг ядровий дастурини амалга оширишга қайтадан киришажагини маълум қилди. Бу хабар дунё сиёсат оламида ёз кунида гумбурлаган момоқалдироқдек нохуш акс садо берди. Биринчилардан бўлиб БМТнинг Атом энергияси бўйича халқаро агентлиги (МАГАТЭ) вакиллари баёнот беришди ва Шимолий Кореяни ядро қуроли яратиш дастуридан воз кечишга ҳамда мамлакат ҳудудига яна МАГАТЭ инспекторларини киритишга даъватни эътиборга олмаса, МАГАТЭ бу масалани БМТ Хавфсизлик Кенгаши муҳокамасига киритишмоқчи. Унда Шимолий Кореяга нисбатан санкция қабул қилиниши мумкин. Бундай муносабат Америка Қўшма Штатларига ҳам маъқул бўлди. Давлат арбобларининг оммавий ахборот воситаларига берган баёнотларида Пхеньянинг қарори бир тамонлама, маъсулиятсизлик билан қабул қилинган қарор ва хавфли, ўйланмасдан қўйилган қадам сифатида баҳоланди.

Маълумки, КҲДР собиқ СССРнинг энг яқин иттифоқчиларидан бири эди. Ўртадаги дўстлик ва ҳамкорлик ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидаёқ ядровий дастур яратишда ҳам алоқалар ўрнатиш имконини берди. Натижада дастлаб камқувватли Йонбен реактори яратилди. Бироқ шу билан ҳамкорликка янги куч бағишлади. Кейинчалик КҲДРнинг ҳозирги раҳбари Ким Чен Ир отаси бошлаган ишни давом эттирди ва ядровий дастур бажарилишини таъминлашга астойдил киришди. Бундай қатъиятлилик, шубҳасиз, ҳамиша қўшни бўлган Япония билан Жанубий Кореянинг норозилигига ҳамда Америка Қўшма Штатларининг қаршилигига сабаб бўлиб келмоқда. Албатта, ер юзининг турли минтақаларида ядросиз ҳудудлар ташкил этиш учун кураш бораётган бир пайтда Шимолий Кореяда ядро қуроли яратишга уриниш бўлаётганлиги жаҳон ҳамжамиятини ҳамда ядро қуролига эга бўлган мамлкатларни, шунингдек, қўшни давлатларни бефарқ қолдира олмаяпти.

АҚШ – Шимолий Корея муносабатларида вақти - вақти билан кескин вазиятлар юзага келаётганлигининг асосий сабабларидан бири шу. Ядровий дастур бўйича икки давлат ўртасидаги дастлабки жиддий инкироз 1994 йилда юз берди. У пайтда Ким Ир Сен тирик эди. Ушанда инкирозни бартараф этишда АҚШ Президенти Жимми Картер ташаббус кўрсатди ва Ким Ир Сен билан музокара олиб боргани Пхеньянга учиб келди. АҚШнинг олдинги раҳбарлари ҳеч қачон коммунистик Кореяга қадам босишмаган эди. Жимми Картернинг Пхеньяндаги музокаралари муваффақиятли якунланди. Бу ерда АҚШ – Шимолий Корея аҳдлашувига эришилди, шунга кўра Йонбен реактори тўхтатиб қўйилди. Шимолий Корея ўзининг ядро қуролини яратмаслик мажбуриятини олди. Бунга жавобан АҚШ Шимолий Кореяга ҳарбий мақсадларда ишлатиш мумкин бўлмайдиган иккита атом энергоблоки қуриб бериш ҳамда мамлакатнинг иссиқлик электр станцияларини мазут билан таъминлаш юзасидан мажбурият олди. Шундан келиб чиқиб, АҚШ Кумхо шаҳрида атом реактори қуришни бошлади.

Бироқ АҚШнинг собиқ президенти Клинтон даврида бу ишлар тўхтатиб қўйилди. Ҳозирги президент Буш ҳам бу ишларни давом эттиришни лозим топмади. Мазутнинг келиши ҳам тўхтаб қолди. Ана шулар туртки бўлиб, Шимолий Корея эски Йонбен атом реакторини ишга тушириш юзасидан ҳаракатларни бошлаб юборди. Бу харакат АҚШни мамлакатга ҳарбий агрессия уюштиришга тайёргарлик кўришда айблаш ва бошқа урушқоқлик оҳангидаги тарғибот тарзида олиб борилди. Вазият кескинлашиб, муносабатлар таранглашди. Россия, Хитой, Япония, Жанубий Корея давлатлари ва бир қатор халқаро ташкилотларнинг аралашувлари натижасида вазият бироз юмшагандай бўлди. Бироқ Пхеньян Йонбен атом реакторини ишга тушириш режасидан қайтгани йўқ. Чунки Шимолий Корея маъмурияти айнан шу реактор ядро куроли яратиш имкониятини беради, деган ишончда. АҚШ маъмурияти эса бундан ташвишда. «МАГАТЕ Бош котиби Муҳаммад ал Барадейнинг баёнот беришича, – деб шарҳлайди БИ-БИ-СИ, – агентлик КҲДРга аҳволни яхшилаш учун яна бир имконият беришга тайёр. Пхеньян Йонбендаги ядровий комплексда иш бошлаганидан бери ана шу қарор билан боғлиқ халқаро сиёсий вазият кескинлашиб бормоқда».

Албатта, бундай кескинликдан ҳеч ким манфаатдор эмас. Хориж оммавий ахборот воситаларида босилган хабарларга қараганда, Вашингтон ҳеч қандай шартларсиз 1994 йилдаги ахдлашувларга қайтиш тўғрисида Пхеньян билан музокара олиб боришни таклиф қилган. Жанубий Корея ҳам ўз таклифларини тақдим этмоқчи. БИ-БИ-Сининг хабар беришича, бу таклифлар негизида агар АҚШ КҲДРнинг хавфсизлигига ёзма кафолат берса, бунинг эвазига Пхеньян ўзининг ядровий дастуридан воз кечиши ётади. Агар Жанубий Кореянинг янги сайланган раҳбари ўзининг президентлик фаолиятини Ким Чен Ир билан учрашиб, мулоқот олиб боришдан бошласа яхши бўларди, деган фикр билдирувчилар ҳам йўқ эмас.

Кузатувчилар КҲДР ядро куролларини тарқатмаслик тўғрисидаги халқаро шартномадан чиқишга ҳамда ўзининг ядровий дастурини амалга оширишга қарор қилганидан кейин юзага келган вазиятда бу масалани Россиянинг ҳамда Хитойнинг иштирокисиз ҳал қилиш мушкулроқ, деган фикрни ҳам билдирмоқдалар. Чунки, бу мамлакатларнинг КҲДР билан ўрнатган дўстона алоқалари кўп йиллар мобайнида синовдан ўтган ва улар ўртасидаги ишонч кўприклари анча мустаҳкам. Бу кўприклар Корея ярим оролини ядросиз ҳудудга айлантиришдек эзгу мақсадга ҳамда минтақада хавфсизликни таъминлашдек муҳим ишга хизмат кўрсатади, деб умид қилиш мумкин.

Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш керакки, КҲДР ядровий дастурни амалга ошираётган, қарийб бир миллион аскари ва замонавий ҳарбий техникаси бор куч-қудратга эга давлат бўлишига қарамасдан иқтисодий жиҳатдан қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Пхеньян қўшни давлатларнинг, жаҳон жамоатчилигининг ёрдамига муҳтож бўлиб қолмоқда. Шунга қарамасдан, бу мамлакат асосий эътиборни ўзининг ҳарбий куч-қудратини мустаҳкамлашга қаратяпти. Бироқ бу йўлнинг тўғрилигига кафолат йўқ. Чунки, ядровий дастурдан воз кечилмаса, БМТ Хавфсизлик Кенгаши санкция қабул қилиши мумкин – бу бир, иккинчидан, ташқаридан келаётган инсонпарварлик ёрдами, шу жумладан, озиқ-овқат ёрдами ҳам тўхтаб қолиши мумкин.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

Иккита объект қуриб бермоқчи

Сурияга атом электр станцияси ва атом реактори базасида денгиз сувини тузсизлантирувчи иншоот қуриб бериш юзасидан шартномалар тайёрлаш масаласи бўйича Москва ва Дамашқ вакиллари бир тўхтамга келдилар.

Сурия вице-президенти Адул Халим Хаддамнинг Россияга ташрифи бошланиши муносабати билан Россия Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот ва ахборот департаменти бу ҳақда хабар берди, дейилади интернетнинг «Газета.RU» сайтидаги ахборотда.

Конституциянинг янги лойиҳаси қайтарилди

Қирғизистон Конституциявий кенгаши мамлакат Конституциясининг янги лойиҳасини бир овоздан қайтаришга ва тақдим этилган лойиҳага рози эмасликларини билдириш учун президентга вакил жўнатишга қарор қилдилар.

Конституциявий кенгаш ишида қатнашган «Демократия ва фуқаролик жамияти учун» коалицияси вакиллари Асосий Қонуннинг янги лойиҳасини қаттиқ танқид остига олдилар: лойиҳада фуқароларни ҳимоя қилиш ўрнига, уларнинг озодлиги ва ҳуқуқи анчагина чекланган. Бу билан демократик жамият қуриш принциплари бузилган, дейишмоқда улар.

«Новости» агентлигининг берган хабарига кўра, ўтган йил 4 сентябрда Қирғизистон Президенти Аскар Акаев ташаббуси билан Конституциявий кенгаш тузилган ва унга қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятидан, партия ва жамоат ташкилотлари раҳбарларидан, юрист ва жамоат арбобларидан 40 га яқин киши аъзо бўлиб кирган.

Кенгаш қатнашчиларининг фикрича, Конституция лойиҳаси мукаммал ҳолга келтирилмагунча, шунингдек, конституциявий ислоҳотни жамоатчилик қўллаб-қувватламагунча мамлакат Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича референдум ўтказилмаслигини талаб қилишмоқда. Дарвоқе, референдум шу йил 2 февралга мўлжалланган.

Ўйинлар чекланади

Европа Иттифоқига аъзо давлатларда шу йил апрелдан бошлаб компьютер ўйинлари бўйича чекловлар жорий қилинади. Бу чекловлар болалар нигоҳини беҳаё тасвирлардан ҳамда ёвузлик кучларининг кураши намойиш этиладиган турли хил компьютер ўйинларидан сақлаш мақсадида амалга оширилмоқда. Эндиликда ЕИ қарорига кўра, компьютер ўйинлари ҳам сотувга чиқаришдан олдин видеокассеталардек махсус индекслар билан тамғаланади. Шу индексларга қараб болаларнинг ёшига мос ўйинлар танланади.

Буюк Британия оммавий ахборот воситаларида эса ёвузлик кучлари намойиш этиладиган ҳар қандай компьютер ўйинларини тақиқлаш борасида бир қанча чиқишлар қилинди. Эндиликда тақиқланган компьютер ўйинлари савдоси билан шуғулланган кишига катта миқдорда жарима солинади ёки қамоқ жазосига маҳкум этилади, дея хабар беради «Новости» агентлиги

Фаластинликлар ҳам «қатнашади»

Яқин Шарқдаги вазиятни барқарорлаштириш масалалари бўйича Лондон конференцияси музокараларида Фаластин етакчилари ҳам «қатнашади», фақат улар Лондонга бормайди, балки видеоалоқа тизими ёрдамида музокараларни кузатиб боради ва ўз ўрнида фикрлар билдириши ҳам мумкин.

Маълумки, 22 киши ўлимига сабаб бўлган Тель-Авивдаги террорчилик актидан сўнг Исроил ҳукумати Лондон конференциясида фаластинликлар қатнашмаслигини талаб қилиб чиққан эди.

Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Стронинг айтишича, фаластинликларга қўлланган тадбир «юзма-юз суҳбат»нинг энг ёмон кўриниши, лекин шундай бўлса-да, музокараларда уларнинг ҳам қатнашишини таъминлайдиган бирдан-бир йўлдир.

Reuters ахборотида ёзишларича, Лондон конференциясида, шунингдек, Яқин Шарқдаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича «тўртлик» аъзолари – Россия, БМТ, Европа Иттифоқи ва АҚШ вакиллари ҳамда Мисрдан, Иордания ва Саудия Арабистонидан ҳам кузатувчилар иштирок этади.



Нептуннинг уч номаълум йўлдоши

Гарвард-Смитсон астрофизика марказининг астрономлари яқинда Нептун сайёрасининг шу пайтгача номаълум бўлган уч йўлдоши борлигини аниқладилар. Авваллари Нептуннинг 8 та йўлдоши бор, деб юриларди. Энди уларнинг сони 11 тага етди.

Нептун ҳажм жиҳатдан Қуёш тизимидаги саккизинчи сайёрадир. Унинг сўнгги йўлдоши 1989 йили Американинг Voyager II зонди парвози пайтида аниқланган эди. 1949 йили Ердаги телескоп ёрдамида кузатиш орқали сайёра ҳақидаги маълумотлар янада тўлдирилиб, бойитилган эди. Сайёранинг ўзи эса 1846 йил сентябрда илк бор аниқланган.

Нептун йўлдошлари ҳар бирининг айланаси 30 дан 40 километргачадир.

Улар Чилидаги Cerro Tololo халқаро Америка обсерваторияси ҳамда Гавай ороллaридаги Канада-Франция-Гавай телескопида олиб борилган кузатувлар натижасида аниқланди, дейилади Reuters агентлиги хабарида.

Жавоб беришмайди

Америка транспорт хавфсизлиги маъмурияти эндиликда йўловчиларга мурожаат этиб, юкларини очиқда қолдиришларини уқтиришмоқда. Негаки, хавфсизлик хизмати агентлиги йўловчиларнинг сумка ва жамодонларини соҳиблари иштирокисиз ҳам текшириш ҳуқуқига эга бўлдилар. Уларга берилган яна бир ҳуқуқ шундан иборатки, дея ахборот беради Reuters, мабодо жамодондан ёки сумкадан бирор нарса йўқолса агентлик ходимлари жавоб беришмайди.

Иккинчи муддатга ҳам...

Кипр Президенти Глафкос Клеридис иккинчи муддат учун ҳам номзодини қўйиб, шу йил 16 февраль куни бўладиган президентлик сайловларида қатнашмоқчи. Кипр ҳукумати манбаларига таяниб бу ҳақда Reuters агентлиги хабар берди.

Енгилликлар берилди

АҚШ Афғонистоннинг савдо ишларини ривожлантириш учун мазкур соҳа бўйича бир қанча енгилликлар жорий этди. Оқ уйнинг матбуот котиби Арии Флейшернинг таъкидлашича, Афғонистон АҚШ бозорига божхона пошлиналарисиз товар киритадиган ривожланаётган мамлакатлар рўйхатига киритилди. Афғонистон эндиликда 5,7 минг турдаги маҳсулотларини АҚШга божхона тўловларисиз экспорт қилиш ҳуқуқига эга бўлди, дея ахборотини якунлайди Associated Press агентлиги.

● МАСЪУЛИЯТ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗА

совурган буйруқ

ЁКИ ҚАРШИ ШАҲРИДА БАРПО ЭТИЛГАН «САЙИЛГОҲ» ОЧИЛИШ МАРОСИМИНИНГ ЭРТАСИГАЁҚ ЧЎКА БОШЛАГАНИ ВА БУГУНГИ КУНГА КЕЛИБ ФОЙДАЛАНИШГА ЯРОҚСИЗ БЎЛИБ ҚОЛГАНИ ХУСУСИДА

... 2001 йилнинг «Наврўз» байрами чалавайрон «Сайилгоҳ»да ўтказиладиган бўлди. Амфитеатрда айни томоша қизиган пайтда бетон ҳовузчалар ва ариқчаларга сув тошиб яна бир фожиа юз беришига сал қолди. Буни ўз кўзи билан кўрган «Вақт» кичик корхонасининг бошлиғи У.Faффоров бундай ҳикоя қилади:

– Сайилгоҳ хиёбонининг Амфитеатр томонидаги фавворалар ишлаб, мармар ариқчалар ва ҳовузчалар сув билан тўлдирилди. Сув илондек ўзига йўл топиб, Амфитеатр яқинига келиб қолди. Артистлар сув кечиб, саҳнага чиқишга мажбур бўлдилар. Шундан сўнг чоп-чоп бошланди. Бир томондан сувни боғланглар, деб шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ҳамзаев у ёқдан-бу ёққа бақириб чопади, иккинчи томондан «Сайилгоҳ»ни қурганлардан бири, шаҳар меъморчилик идораси бош муҳандиси Олимжон Маҳмудов нима қиларини билмай, ҳар тарафга югуради. Яна кимдир белкурак излаб қаёққадир шошади. Хуллас, насослар ўчирилиб, оқим тўхтагандан сўнг орадан бир-икки кун ўтмас «Сайилгоҳ»нинг қолган қисмида ҳам чўкиш бошланди. Бундан бир йил аввал мустақиллик байрами пайтида «Сайилгоҳ»нинг Қиличбек мадрасаси томони чўккан бўлса, энди Амфитеатр томонида чўкиш рўй берди.

«Сайилгоҳ»да биринчи чўкиш юз берган вақтдан бошлаб, «лойиҳа» ижодкорлари устидан тергов-суриштирув ишлари бошлаб юборилди. Бир қисм одамлар жазо ҳам олди. Меъморлардан Муроджон Хидиров ва Олимжон Маҳмудовлар ЖКнинг қатор моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбландилар. Яна 6-ҳаракатдаги кўчма жамламанинг иш юритувчиси Сайфулла Туйғунов, «МАФ» хусусий фирмасининг иш юритувчиси Фарид Галиуллинлар ҳам талонторожликда айбланиб, жазоланишди. Тўғри, кимлардир жазоланди. Лекин айнан «Сайилгоҳ» қурилиши тепасида турган, тезроқ бўлинглар, деб ҳай-ҳайлаган, айтиш лозим бўлса, мажбурлаган одамлар жазосиз қолмадими, деган савол одамни қийнайди. Бу масаланинг бир томони.

Иккинчиси шуки, «Сайилгоҳ» қурилишида Қаршининг иссиқ иқлим шароити ҳисобга олинмаган. Ва «Сайилгоҳ» кўкаламзор эмас, бетон плиталар устида қад ростлади. Ўйлаб кўринг, ёзи жазирама бўладиган Қаршида «Сайилгоҳ»нинг ҳамма томонини бетонлаштириш калтафаҳмликдан бошқа яна нима?

2000 йилнинг 28 июлида Қаршида бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз бундай деганди:

«Вилоятда қурилиш соҳасидаги ислоҳотларга ҳам етарлича аҳамият берилмаяпти. Қарши шаҳар ва туман марказларида олиб борилаётган аксарият ободончилик ишлари талабга жавоб бермайди. Масалан, вилоят марказидаги сайилгоҳ ва хиёбонни, вокзалолди майдонини, шунингдек, савдо ва маиший хизмат шахобчаларини қуришда табиий иқлим шароити, миллий меъморчилик анъаналари ҳисобга олинмаган. Вилоятда халқ ўз дарду ташвиши билан, аксарият раҳбарлар эса ўз шахсий мақсад ва манфаатлари билан яшаб келмоқда.»

«... Ўз шахсий мақсад ва манфаатлар билан яшаб келмоқда». Ўта аччиқ ва ҳақ сўзлар. «Сайилгоҳ» қисмати замирида ҳам шу гаплар ётганга ўхшайди. Агар раҳбарлар кўзбўямачилик қилмаганида, ўзларини эмас, халқни ўйлаганида, манманлик касалидан холи бўлганида шунча қилинган меҳнат, сарфланган маблағ ер билан битта бўлмасди.

Назаримизда масаланинг яна бир жиҳати борки, уни ҳам айтмасак бўлмас. Агар шу қурилиш бошида турган раҳбарлар, тасаввур қилинг, ўз пулларига ўзларига уй қуришаётган бўлишса, шунчалик совуққонлик ёки таваккалчилик билан иш қилишармиди? Асло, қирқ ўлчаб бир кесишарди. Ҳар бир сўмни иқтисод қилишга уринишарди. Чунки ***ўзиники-да.***

Ҳамма бало шундаки, давлат маблағига, умумхалқ ишига жони ачимайдиган раҳбарлар бор. Устига-устак совуриб-совуриб, жавоб бермай кетганлар оз эмас. Жавоб бермаслик, жавобгар бўлмаслик янги хатоларни, жиноятларни келтириб чиқараверади.

«Сайилгоҳ» масаласини кўтариб янгилик кашф этаётганимиз йўқ. Бу воқеадан кўпчилик хабардор. Бу ерни нима қилиш ҳақида янги раҳбарлар ўйлаб кўришади, албатта. Аммо «Сайилгоҳ» сабоғи кишини қаттиқ ўйга толдиради, хулоса чиқаришга ундайди.

Исмоил АМИРҚУЛОВ,
журналист

«Экосан — маҳаллада»

«Экосан» халқаро жамғармасида Обод маҳалла йили муносабати билан Оролбўйи аҳолисига беғараз ёрдам кўрсатиш мақсадида «Экосан» саломатлик поездини жўнатишга бағишланган йиғилиш бўлди. Унда табиий бойликларни оқилона тасарруф этиш, санитария ва гигиена маданиятини янада яхшилашда маҳалланинг ўрни беқиёслиги ҳисобга олиниб, «Экосан – маҳаллада» дастури ишлаб чиқилгани маълум қилинди. Ана шу дастурга мувофиқ бир қанча тадбирлар амалга оширилади. Чунончи, «Энг обод маҳалла» кўрик-танлови ўтказилиб, унда сув, газ, электр энергиясини тежаб-тергаш, томорқа ерларидан унумли фойдаланиш, чиқиндилар кўпайишининг олдини олиш каби тадбирларга аҳамият берилади. Шунингдек, маҳаллаларнинг ижтимоий экологик фаолиятига салбий таъсир қиладиган корхоналар жамоатчилик назоратига олинади. «СЭС – Экосан» дастури доирасида санитария ва гигиена маданиятини оширишга оид тадбирлар уюштирилади. «Аёл ва экология» масалаларига риоя қилинади. Маҳаллаларда экологик маданиятга бағишланган учрашувлар ташкил этилади. Айни пайтда ноқулай атроф-муҳит минтақаларига саломатлик поездлари орқали инсонпарварлик ёрдами юбориб турилади. Маҳаллаларда «Наврўз» байрами, Атроф-муҳит куни, «Экология ва саломатлик кунлари»га бағишланган ҳашарлар ташкил этилади. Қорақалпоғистон қишлоқларида яшаш шароитини яхшилаш мақсадида сув чиқаришга мўлжалланган Эронда ишлаб чиқарилган насослар ўрнатилади. Бундай насосларнинг дастлабки туркуми (35 минг АҚШ долларлик) олиб келинди.

Абдусамад АБДУҲАКИМОВ

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Қадимшуносликнинг қадим йўлларида

ЁКИ «ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ОДАМ ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?» ДЕГАН САВОЛГА ИЛМИЙ ЖАВОБ ИЗЛАЁТГАН ОЛИМ ҲАҚИДА

Қирқ йилдирки, археолог олим Ўткир Исломов йўл юради, тоғ-довон кезади. Уни гоҳ Қизилқум чўлларида, гоҳ Сурхон, Тошкент, Фарғона тоғларида, гоҳ Россиянинг палеолит макони ҳисобланган Костенковадан тортиб узоқ Сибирь кенгликларигача бўлган ҳудудларда учратиш мумкин. Аммо археология кўпчилик тасаввур қилганидек, ғор қазишу тупроқ титкилашдан иборат эмас. Биринчидан, ҳар қандай қазишмалар илмий нуқтаи назардан асосланган бўлади. Иккинчидан эса аниқ мақсад билан иш тутилади. Масалан, Ўзбекистон ҳудудида одам қачон пайдо бўлган? Бу саволга жавоб бериш осон эмас, албатта. Худди шу саволга жавоб излаб бундан олтмиш тўрт йил муқаддам Бойсуннинг Тешиктош ғорида илмий-тадқиқот ишлари бошланган эди.

Денгиз сатҳидан бир минг беш юз метр баландликда жойлашган Тешиктош ғорининг узунлиги йигирма бир метр, эни йигирма, баландлиги 7-9 метр. Беш қатламдан иборат бу ғорда яшаган қадимги одамлар уни бир неча бор тарк этганлар. Қатламлар шундан далолат беради. Шунингдек, ғорнинг ҳар бир қатламида битта, баъзиларида иккитадан гулхан излари сақланиб қолган. Бу гулханлар атрофидан тоғ эчкиси, буғу, сиртлон, айиқ, қўён ва шунга ўхшаш жонзотларнинг кўплаб суяк қолдиқлари топилган. Энг муҳими, юқори қатламдан 9-10 ёшлардаги неандертал боланинг қабри топилганлиги – ёдгорликнинг дунёвий аҳамиятга моликлигини кўрсатди. Чунки, бунгача Марказий Осиё ҳудудидан тош даврига оид ёдгорликлар топилмаган ва ўрганилмаган эди. Бундан ташқари, неандертал одамлар яшаган жойнинг топилиши фанда катта воқеа бўлиб, ўша пайтда тарқатилган баъзи ғайриилмий ўйдирма ва қарашларга барҳам берди.

Тешиктош ғори илмий тадқиқ этилишининг яна бир қиммати шундан иборатки, Марказий Осиёда одамларнинг 80-100 минг йиллардан бери яшаб келганлиги фанда исботини топди. Аммо бу юртимиздан топилган инсониятнинг илк тарихи ҳақидаги охирги сўз эмасди. Изланишлар, баҳс-мунозаралар, тажриба ва тадқиқотлар изчил олиб борилар, кўзда тутилган мақсадларнинг янги саҳифалари очилаётганди.

Фарғона водийсининг Селунғур ғорида олиб борилган кўп йиллик қазиш ишлари асосида бой манбалар йиғилди. Бу эса аждодларимиз тарихини юз минг йилдан бир миллион йилга қадимий эканлигини исботлаш имконини берди.

Селунғур ғоридаги археологик ишларнинг яна бир аҳамиятли жиҳати тўғрисида тўхталмай бўлмайди. Ғорнинг маданий қатламларидан ўттиз икки турдаги сут эмизувчи ҳайвонларга таллуқли бўлган беш мингдан ортиқ суяк қолдиқлари топилиб ўрганилгани ва шу асосда Селунғур ҳайвонот дунёси мажмуасининг яратилиши ҳам Ўткир Исломов раҳбарлигидаги археолог олимлар гуруҳининг муваффақиятларидандир.

Ўткир Исломов қўл урган муҳим йўналишлардан яна бири «Мезолит даври одамларининг моддий маданияти ва турмуш тарзи» мавзуидир. Ўзбекистоннинг мезолит даври ёдгорликлари яқин-яқинларгача деярли ўрганилмагани маълум. Шу боис, олим Марказий Осиё ҳудудида мезолит даври ёдгорликларини топиш, уларни илмий асосда ўрганиб ва даврларини аниқлаб, ҳар бирини ўз ўрнига қўйишдек шарафли ишга бел боғлади. Тинимсиз изланишлар натижасида элликка яқин ёдгорлик топилиб ўрганилди.

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Мачай ғорида олиб борилган икки йиллик қазув ишлари ҳам Ўткир Исломов илмий фаолиятида яққол из қолдирган тадқиқотлардан ҳисобланади. Бу ердан топилган қадимий одамнинг бош чаноғи ва бошқа суяк қолдиқлари мезолит даври одамининг биринчи излари бўлиб, фанда қимматли янгилик сифатида қайд этилди. Энди бу топилмаларга қараб мезолит даври одамининг ташқи қиёфаси қандай бўлганлигини аниқлаш ва уларнинг қайси ирқий гуруҳларга мансуб эканлигини билиш мумкин.

Олимнинг узоқ йиллар давомидаги бундай тинимсиз изланишлари Ўзбекистон ҳудудидаги неолит қабилаларининг тарихини яратишга имкон берди. Бу эса бутун дунё тарихий жараёнини янада теранроқ англашда алоҳида аҳамият касб этади.

Ўткир Исломов илмий фаолиятини белгиловчи бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Археология ва унинг тарихи ҳақида гап кетганда унинг номи ҳурмат билан тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки олим бутун фаолиятини фанга, унинг тараққиётига бағишлади.

Машҳур археолог олим, академик Яҳё Ғуломовдан сабоқ олган, унинг бой билим ва тажрибасидан баҳраманд бўлган Ўткир Исломов ўзининг қирқ йиллик илмий педагогик фаолияти давомида дунё археологларининг пешқадам вакиллари билан мулоқотда бўлди, улардан тажрибалар ўрганиб, бирга ҳамкорлик қилди. Шубҳасиз, бу унинг халқаро доирада тан олинган олимлар сирасига киришига, Франция, Англия, Германия, АҚШ сингари қатор мамлакатлар нашрларида илмий мақолалар билан фаол иштирок этишига замин яратди. Олимнинг саккизта монографияси, юздан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалари, қатор рисолалари Марказий Осиё ҳудудида одамнинг пайдо бўлганига 800 минг йил эмас, балки бир ярим миллион йилдан ошганлигини илмий асослаб берган далиллардир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих ва археология институти лаборантлигидан академикликка-ча бўлган машаққатли, айни пайтда шарафли йўлни босиб ўтган Ўткир Исломов археология назариясини амалиёт билан чамбарчас боғлаган кенг қамровли устоз олим ҳисобланади. Унинг мамлакатимиз тарихи, маданияти ва илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшишдек эзгу ният билан яшаётган кўпдан-кўп шогирдлари археологиянинг очилмаган қирраларини ўрганишда фаол изланишлар олиб бормоқдалар. Улар узоқ йиллардан буён Самарқанд давлат университети ҳамда Тошкент рассомчилик ва дизайн институти талабаларига археология сир-асрорларини, Ўзбекистоннинг энг қадимги тарихи ва Марказий Осиё ҳудудида одамнинг пайдо бўлиши, илк маданият маконларининг вужудга келишию шаклланишини қунт билан ўргатиб келаётган тарихчи-археолог олим, академик Ўткир Исломовнинг издошларидир.

Инсон ҳаёти давомида эзгу ишларга қанчалик кўп қўл урса, умри маъно-мазмунга шунчалик бой бўлади. Эсини танибдики, қадимшуносликнинг қадим йўлларида изланаётган Ўткир Исломов бугун – умр довонларидан ҳатлаётган лаҳзаларда энг катта бахти инсоният тарихи илдизларини кашф этилишида ўзининг ҳам ҳиссаси борлигида деб билади.

Нуриддин ОЧИЛОВ

МУЛОҲАЗА

«Ўжакент»ми, «Ўлжакент»?

Шўро даврида жой номлари анча сиёсийлашиб кетди. «Коммунизм», «Ленин йўли», «Коммуна» номли қишлоқ ва хўжаликларни ҳар қадамда учратиш мумкин эди. Мустақиллик йилларида улар ўзларининг тарихий номлари билан атала бошланди.

Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманидаги «Коммунизм» давлат хўжалиги 1991 йилда жамоа хўжалигига айлантирилиб, «Ўжакент» деб ном беришган экан. Ўша жойлик дўстимиз, Ички ишлар вазирлиги фахрийси, ҳуқуқшунос Ҳусанжон Қўчқоров мендан тарихчи олим сифатида «Ўжакент» сўзининг этимологияси билан қизиқиб кўришимни илтимос қилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, марҳум Бўрибой Аҳмедов асарларида кўрсатилишича, мўғул хони Илёсхўжа катта қўшин билан Мовароуннаҳр устига бостириб кирган. Амир Темур бобомиз Амир Ҳусайн билан иттифоқ тузиб ёвга қарши чиқади. 1365 йил 22 май куни Чиноз атрофида икки қўшин ўртасида катта жанг бўлди. Бу жанг тарихга «лой жанги» номи билан кирган. Икки томон бир- бирига қилич сермаб турган бир пайтда Амир Ҳусайн қўрқоқлик қилиб, жанг майдонидан ўз аскарларини олиб кетди. Шу боис Темурбек ҳам шошилинч кенгаш тузиб, фурсат борида жангчиларни ва олинган ўлжаларни омон сақлаб қолишга қарор қилди. Амир Темур аскарлари билан икки дарё оралиғига, яъни ҳозирги Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари оралиғига чекинганлар. Қўним топиб, олинган ўлжалар аскарларга бўлиб берилган. Шу боис, бу жой кейинчалик «Ўлжакент» деб атала бошланган.

Шунингдек, шу икки дарё оралиғида яшаган аҳоли асосан овчилик билан шуғулланиб, ўлжаларини Темур бобомиз қўним топган қўрғонга келиб айрибош қилишган экан.

Ҳозирги «Ўжакент» тарихий «Ўлжакент» ҳудудида жойлашган. Шунинг учун бизнингча, хўжалик номи аслида Ўлжакент бўлса керак. Чунки «ўжа» сўзи на форсий, на арабий луғатларда учрайди. Ва бу сўз ўзбек тилида ҳам маъно бермайди. Қолаверса, тарихий манбаларда «Ўжакент» атамасининг учраши қийин. Хўжалик номини «Ўжакент» дейишда мутасаддилар нимага асосланишгани бизга қоронғи.

Файзулла ИСҲОҚОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO`LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
Navbatchi Erkin XOLBOBOYEV
Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.
Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 066
15855 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA



Инсон яралиб ўзини, ўзлигини англай бошлабдики, тафаккурида доимо ўқишга, билим олишга эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёж манбаи – китоб. Китоб билан муомала қилинадиган маскан – кутубхона.

Бугунги кунда республикамизда 17 мингга яқин кутубхона мавжуд бўлиб, уларда минглаб кутубхоначилар китобхонларга маърифат улашадилар. Айниқса, халқ таълими тизимида фаолият юритаётган кутубхоначиларимизни зиммасига улкан масъулият юклатилган. Эртамиз умиди, келажагимиз бунёдкорлари бўлмиш ёш авлоднинг етук, билимли ва салоҳиятли бўлиб вояга етишларида бу соҳа ходимларининг зиммасида улкан масъулият бор.

✧✧✧

Суратда: *Фарғона шаҳридаги 27-ўрта мактабнинг кутубхоначиси Зумрад Хонкелдиева.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

ФУТБОЛ

«Пахтакор» Москвага жўнаб кетди

Хабарингиз бор, шу йилнинг 18-26 январь кунлари Россия пойтахти Москвада футбол бўйича МДҲ давлатлари чемпионлари ўртасида навбатдаги анъанавий турнир ўтказилади. Бу нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ўтган мавсум чемпиони Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ҳимоя қилади.

Қуръага кўра, пахтакорчилар мусобақанинг «С» гуруҳидан жой олишган. Дастлабки босқич – гуруҳ баҳсларида «Шахтёр» (Украина), «Каунас» (Литва) ҳамда Озарбайжон ёшлар терма жамоалари ҳамюртларимиз рақиби бўлади. Пахтакорчилар илк учрашувни 18 январда Украина чемпионига қарши ўтказади. Сўнгра, Озарбайжон ёшлари (19 январь) ва «Каунас» футболчилари (21 январь) билан баҳс юритишади. Мусобақа низомига мувофиқ, гуруҳнинг кучли икки жамоаси чорак финал йўлланмасини қўлга киритади.

Кеча пахтакорчилар МДҲ чемпионлари кубоги учрашувларида қатнашиш учун Москвага жўнаб кетишди. Таркибдан эса қуйидаги футболчилар жой олган: дарвозабонлар – Игнатий Нестеров, Павел Бутенко; ҳимоячилар – Бахтиёр Ашурматов, Гочқули Гочқулиев, Асрор Алиқулов, Виталий Жалилов, Камолиддин Тожиев, Анвар Ғофуров, Қайрат Ўтабоев; ярим ҳимоячилар – Миржалол Қосимов, Леонид Кошелев, Баҳодир Саидкамолов, Андрей Власичев, Тимур Копадзе, Владислав Кирьян; ҳужумчилар – Бахтиёр Ҳамидуллаев, Анвар Солиев, Неъматилла Қуттибоев, Александр Крохмал, Марат Бикмаев.

Тақвим аниқланди

Осиё чемпионлари лигасида муваффақиятли иштирок этаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси навбатдаги гуруҳ баҳсларини 9-13 март кунлари ўтказади. Қувонарлиси, ОЧЛ нинг гуруҳ баҳсларига илк маротаба вакилларимиз мезбонлик қилади. 10 январь куни 1/4 финал учрашувлари тақвими аниқланди:

«Д» ГУРУҲИ. ТОШКЕНТ. 2003 ЙИЛ 9-13 МАРТ.

9 март, якшанба.
«Пирузи» (Эрон) – «Ал-Талаба» (Ирок). МҲСК ўйингоҳи. Соат 14.30.
«Пахтакор» (Ўзбекистон) – «Ниса» (Туркманистон). «Пахтакор» ўйингоҳи. Соат 17.30.
11 март, сешанба.
«Ниса» – «Ал-Талаба». МҲСК ўйингоҳи. Соат 14.30.
«Пахтакор» – «Пирузи». «Пахтакор» ўйингоҳи. Соат 17.30.
13 март, пайшанба
«Пирузи» – Ниса». МҲСК ўйингоҳи. Соат 14.30.
«Пахтакор» – «Ал-Талаба». «Пахтакор» ўйингоҳи. Соат 17.30.

Диққат! Диққат! Диққат!

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

Республика кўчмас мулк биржаси Тошкент шаҳар филиали

2003 йил 17,24,31 январь кунлари кимошди савдоларини ўтказади

Шайхонтоҳур тумани коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли бўлган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 617-уйда жойлашган, **бошланғич нархи — 13 482 000 сўм** ёки **17 975 АҚШ доллари** бўлган «Таъмир қурилиш бўлими» шўъба корхонаси қўйилади.

Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, «Спутник» даҳаси, 6-мавзе, 9-уйда жойлашган, **бошланғич нархи — 1 308 900 сўм** ёки **1 883 АҚШ доллари** бўлган «KOMMUNAL QURILISH» давлат унитар корхонаси Мирзо Улуғбек тумани коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Доғистон кўчаси, 56-уйда жойлашган, **бошланғич нархи — 2 159 900 сўм** ёки **3 106 АҚШ доллари** бўлган Қурилиш таъмирлаш корхонаси қўйилади.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м. ва Г-38,0 м. кўчаларида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдирадиган ҳар бирининг сатҳи 0,04 га. бўлган ер участкасининг эгалик ҳуқуқи сотилади. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 640 000 сўмдан.**

24,31 январь кунлари ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектарга тенг бўлган 1-12-сон ва 14-сон ер участкаларининг эгалик ҳуқуқи ва сатҳи 0,02 гектарга тенг бўлган 13-сон ер участкасининг эгалик ҳуқуқи сотилади

0,04 гектар ернинг **ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 648 000 сўм**

0,02 гектар ернинг **бошланғич нархи — 824 000 сўм**

2003 йил 17,24,31 январь кунлари Танлов савдолари ўтказилади.

17,24,31 январь кунлари ўтказиладиган савдоларга Яккасарой тумани халқ таълим бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 6-уйда жойлашган 264-сонли болалар боғчаси қўйилади.

Бошланғич нархи — 12 923 000 сўм ёки 18 854 АҚШ доллари.

24,31 январь кунлари ўтказиладиган савдоларга Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қаландар кўчаси, 14-уйда жойлашган 60-сонли болалар боғчаси қўйилади.

Бошланғич нархи — 30 247 100 сўм ёки 36 884 АҚШ доллари.

Танлов савдоларига ва кимошди савдоларига қўйилган ер майдонлари учун аризалар савдодан уч кун аввал, бошқа объектлар учун савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16-А уй.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Кодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

✧✧✧

2003 йил 11 январь куни газетада чоп этилган эълондаги «сатҳи 0,18 га.», деган жумла «0,018 га.» деб ўқилсин.

OAJ «Tajriba-texnik korxonasi»

700020 г.Ташкент, улица Уйгура, 103.

Раскрытые информации участника рынка ценных бумаг. Информация о существенных фактах.
Номер сообщения-09
Внеочередное общее собрание акционеров проводилось 16.12.2002 г. по адресу г.Ташкент, улица Уйгура, 103.

Общее количество акций	*238103 шт.*
в.т.ч. привелигированных	*1083 шт.*
простых	*237020 шт.*
Присуствовало	*35 чел.*
Имеющих	*210346 шт. акций*
Кворум	*88%*

Повестка дня:
1. О переизбрании Наблюдательного Совета ОАJ «Tajriba-texnik korxonasi».
2. О внесение изменений в состав Правлении ОАJ «Tajriba-texnik korxonasi».
3. Прочее
Постановили:
1. Избрать Наблюдательный Совет ОАJ «Tajriba-texnik korxonasi» в составе:
1. Исламов А.И. 4. Абдураҳмонов Ж.
2. Миркамилов О. 5. Тхай Л.Ч.
3. Доверительный управлающий Госпакетом акций
2. Избрать Абдураҳманова Ж.Д. председателем правления ОАJ «Tajriba-texnik korxonasi».
3. Вывести ОАJ «Tajriba-texnik korxonasi» из состава ХК «Файз».

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ.

МАҲАЛЛА ВА МАҚОЛ

Маҳалла меҳр маскани.
* * *
Маслаҳатли тўй тарқамас.
* * *
Маҳалланг ота-онанг.
* * *
Кўнгил кўнгилдан сув ичади.
* * *
Обрў мисқоллаб келади, қадоқлаб кетади.
* * *
Олам тинч – хонам тинч.
* * *
Маҳалланг тинч – сен тинч.

Тўпловчи Юнус ЗИЁДОВ

Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши Й.Охунбобоев номли республика тиббиёт коллежи директори, тиббиёт фанлари номзоди, туман партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси Турсунхон Умарова-га падари бузруквори **Юнусхўжа ота РУСТАМОВ**нинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

Газетанинг навбатдаги сони 21 январь, сешанба куни чиқади.